

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ ИЛХОМ ТУРСУНОВИЧ

**КИЧИК ЖАНР МАТНЛАРНИНГ ПРАГМАТИК КОГНИТИВ
ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МОҲИЯТИ
(ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ЛАТИФАЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Рустамов Илхом Турсунович

Кичик жанр матнларнинг прагматик когнитив ва миллий маданий
моҳияти (Ўзбек ва инглиз латифалари мисолида) 3

Рустамов Илхом Турсунович

Прагматико-когнитивные и национально-культурные особенности
мало жанровых текстов (на примере узбекских и английских
анекдотов) 21

Rustamov Ikhom Tursunovich

Pragmatic-cognitive and national-culture essence of small genre texts
(on examples of Uzbek and English anecdotes) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ ИЛХОМ ТУРСУНОВИЧ

**КИЧИК ЖАНР МАТНЛАРНИНГ ПРАГМАТИК КОГНИТИВ
ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МОҲИЯТИ
(ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ЛАТИФАЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil.604 ракам билан руйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сиддиқова Ирода Абдузухуровна
филология фанлари доктори

Одилов Ёрқин Рахмоналиевич
филология фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан руйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.П. Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., профессор

А. Қуронбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида инсон ижтимоий фаолиятининг инъикоси бўлган нутқий фаолият тизими ва шу тизим доирасида ҳаракатда бўлган ҳодисаларни ўрганиш муҳим назарий ҳамда амалий аҳамият касб этмоқда. Замоनावий тилшуносликнинг психолингвистика, прагмалингвистика, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, лингвокультурология каби тармоқлари ривожли лисоний ҳодисалар моҳиятини кенгроқ ёритиш билан бир қаторда, лисоний тафаккур фаолиятининг ижрочиси – инсоннинг табиатини ҳам чуқурроқ билишга имкон яратади. Узлуксиз такомиллашиб бораётган тил ва маданият, тил ҳамда жамият муносабатларига оид илмий изланишлар ҳам айнан инсоннинг лисоний ижодкорлик фаолияти намуналарининг турли қирраларини қардош бўлмаган тиллар ва лисоний маданиятлар кўламида ўрганилишини тақозо этади.

Дунё тилшунослигида инсонларнинг нутқий мулоқот фаолияти жараёнида юзага келадиган матнларни тавсифлаш ва таснифлаш масаласи тадқиқига катта эътибор қаратилмоқда. Дискурсив фаолият турли ижтимоий гуруҳлар доирасида, ҳар хил вазиятларда кечади ҳамда уларда кўзланадиган мақсад ҳам бир хил эмас. Шунга мувофиқ, ҳосил бўладиган матнлар кўриниш ва мундарижа жиҳатидан ўзаро фарқ қилади. Кичик ҳажмдаги нутқий тузилма бўлган латифа жанрига оид матнлар бошқа коммуникатив структураларга нисбатан тузилиши, прагматик мақсади ва когнитив таркиб жиҳатидан ўзига хос кўринишга эга. Ушбу турдаги матнларнинг лисоний мақоми ва вазифавий-коммуникатив моҳиятини замоनावий методологик тамойил ҳамда мезонлар асосида очиқ бериш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда хорижий тилларнинг назарий асослари тадқиқига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Чет тилларни ўзлаштириш, тадқиқ этиш халқлар тарихи, маданияти ҳақидаги билимни бойитади, миллатлараро дўстлик, ҳамкорлик ришталарининг кенг қулоқ ёйишига имкон яратади. Шунингдек, юқори даражадаги билим, маданият ва маънавиятга эга кадрлар заҳирасини шакллантириш билан боғлиқ вазифалар ижроси оғзаки ижод шароитида ҳосил бўладиган нутқий бирликлар – фольклор матнларининг миллий-маданий хусусиятларини турли тиллар мисолида чоғиштирма таҳлилини амалга ошириш заруратини туғдирмоқда. Дарҳақиқат, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятига инеграциялашуви даврида «ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этиш»¹ давр талабидир. Шундай имкониятлардан бири ёш авлодда полиглотлик қобилиятини шакллантириш ва кўп маданиятли муҳитда фаоллик кўрсатишга имкон берувчи кўникмаларни сингдиришидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –Б. 14.

ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3375-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида кўп йиллар давомида ҳукмронлик қилган структурализм оқими нутқий ҳодисалар, шу жумладан, нутқий жанрлар таҳлилига тўсқинлик туғдирди. Ҳатто, М.М.Бахтиннинг 1954 йилда ёзиб тугатган «Нутқий жанрлар муаммоси» монографияси ҳам фақат 1970 йилларнинг охиридагина китобхонлар кўлига тегди.² Структурализмнинг инқирози лисоний ҳодисалар тадқиқига янгича ёндашувлар шаклланишига сабаб бўлди. Булардан бири, албатта, генеративизм эди, аммо ушбу оқим вакиллари ҳам, Н.Хомский таклиф қилган тил бирликларининг нутқий қўлланилиши (language performance) муаммолари билан шуғулландилар³. Фақат Ж.Л.Остин асос солган нутқий актлар назарияси ва прагматик ғояларнинг фаоллашувига дискурсив бирликларнинг табиати ва моҳиятига бўлган эътиборни кучайтира олди. Натижада, замонавий тилшуносликда нутқий фаолият маҳсули бўлган ва турли жанрларга оид матнларнинг лисоний, ижтимоий, когнитив ва прагматик хусусиятлари таҳлили муаммоси кенг миқёсда муҳокама қилинмоқда.

Лекин бевосита фатик мақсадни кўзлайдиган ва нисбатан кичик ҳажмда бўлган нутқий бутунликларнинг анекдот, латифа, ҳазил, аския, тегишиш-қочирма (флирта), мулозамат каби қатор турлари мавжудки, уларнинг лингвистик тадқиқи ўз навбатини кутмоқда. Бошқа жанрлардаги матнлардан ўз тузилиши, лисоний таркиби, прагматик-когнитив мазмуни, миллий-маданий хусусиятлари билан тамоман фарқ қиладиган ушбу турдаги матнларнинг ҳозирда фақат структур белгилари ва юмористик мазмун ҳосил қилувчи воситалари ўрганиб келинмоқда⁴. Ушбу турдаги матнлар аслида ўз

² Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. –М.: Искусство, 1986. –С.445.

³ Chomsky N. The science of Language. –Cambridge:4CUP, 2012. –P.321.

⁴ Dundes A. Some Minor Genres of American Folklore//Quaterly, 1967. Vol.3/. –P. 31-48; Rose D. Reading Genre: a new wave of analysis//Linguistics and Human sciences, 2007. Vol.2(1). –P.185 – 204; Martin V. and Rose D. Genre Relations: Mapping Culture. Beijing: Foreign language teaching and research press, 2014. –P.289.; Абдурахмонов Ш. Ўзбек адабий нутқида кулгу кўзгатувчи воситалар. Филол.фан номз. ...дисс. автореф. Т., 1997; КелареваД.Б. Лингвистические принципы выражения комического в анекдотах. Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. –М.,2013. –С. 21.; Чиркова О.А. Поэтика современного – народного анекдота. Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. –М.,1997. –С. 20.

прагмалингвистик мақомига эга бўлиб, уларни информатив, императив, этикет ва баҳоловчи турларга ажратган ҳолда тавсифлаш тавсия қилинади⁵. Тасниф амалларини қўллаш жараёнида, бундан ташқари, матнларнинг ёзма ва оғзаки нутққа оид жиҳатларини фарқлаш ҳамда уларнинг жанр жиҳатидан типологик турли-туманликка эгалигини инобатга олиш лозим. Матн, унинг қайси жанрга оид эканлигидан қатъий назар, тафаккур маҳсули, унда лисоний онгда ҳосил бўлган концептуал тузилма воқеланади, демак матннинг когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши нутқий жанрлар назариясининг ажралмас қисмидир⁶. Энг асосийси, лисоний онг миллийликка мойил эканлиги боис лисоний тафаккур фаолияти ва унинг ҳосиласи – матн маълум миллат, маданият доирасида амалда бўлган қоидалар назоратида шаклланади. Шунга биноан дискурсив жараёнлар, лисоний ижодкорлик маҳсулотлари миллий-маданий белгиларининг чоғиштирма–типологик таҳлили ҳозирги замон тилшунослик ҳамда таржимашуносликнинг муҳим талабидир.⁷

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика институтининг «Тилнинг лексик–семантик тизими, қиёсий–типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари» мавзуидаги илмий–тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик жанр намунаси бўлган латифа матнларининг лисоний таркиби, прагматик мазмунини аниқлаш ҳамда уларнинг когнитив фаолият ва тил тизими муносабати негизида шаклланадиган лингвистик ва миллий-маданий моҳиятини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кичик жанр матнлари сирасига кирувчи дискурсив тузилмаларнинг таснифий белгиларини ажратиш;

халқ латифаларидаги нутқий тузилмаларнинг мулоқот интенциясига нисбатан фарқланадиган прагматик турларини ажратиш;

латифа жанридаги тузилмалар мазмун структураси шаклланишида сўз ўйинининг ролини изоҳлаш;

нутқий тузилмалар таркибида юмористик кулги кўзгатувчи, киноя ҳамда сатирик мазмунни воқелантирувчи лисоний воситаларни гуруҳлаш ва уларни ўзбек ва инглиз тиллари аро чоғиштириш;

чоғиштирма таҳлил асосида халқ латифалари матнларининг умумлингвистик табиатини ёритиш ва уларнинг миллий-маданий кўрсаткичларини ҳамда алоҳида тиллар учун хос бўлган жиҳатларини аниқлаш.

⁵ Шмелев А.Д., Шмелева Е.В. Русский анекдот: текст и речевой жанр. –М.: Языки славянской культуры, 2002. – С.144.

⁶ Дементьев В.В. Теория речевых жанров. –М.: Знак, 2010. –С.595.; Сувонкулов Б.М. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Филол.фан.номз. ... дисс. автореф. –Т., 2007. –Б. 26.

⁷ Ziv A. National Styles of Humor. – London: Green–Wood Press, 1988. –Р. 243–244.; Юсупова Х.У. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида). Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. –Т., 2011. –Б. 25.; Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида). Филол.фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. –Т., 2017. –42 б.

Тадқиқотнинг объектини ўзбек ва инглиз тилларидаги юмор, ҳазил-мутойиба, киноя, пичинг каби мулоқот мақсади мазмунига эга бўлган латифа матнлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети юқорида санаб ўтилган турдаги матнларнинг лингвистик табиатини белгиловчи систем-структур, прагматик, когнитив ва миллий-маданий хусусиятларини таҳлил қилишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий–типологик, контекстуал таҳлил, концептуал–семантик таҳлил, маданиятлараро чоғиштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

латифа матнларининг бошқа нутқий тузилмалардан лексик-грамматик ва стилистик фарқли жиҳатлари кўрсатилиб, уларнинг матн ҳосил қилувчи лингвистик мақоми кўрсатилган;

нутқий фаолиятнинг инсон ижтимоий фаолиятининг ажралмас қисми эканлиги исботланиб, дискурсив бирликларни яратувчи лексик-семантик, грамматик ва бошқа миллий-маданий хусусиятлари билан боғлиқ лисоний, ижтимоий-маданий ҳаётга оид нолисоний омиллар гуруҳлари аниқланган;

юмористик ва сатирик мазмунга эга бўлган латифа матнларини когнитив қолиплаштириш усули шакллантирилган ва ушбу усулнинг амалий татбиқи асосида нутқий ижодкорлик жараёнининг ривожланиш босқичлари таснифланган;

нутқий мулоқот мақсадини лисоний воқелантирувчи омиллар қатори аниқланиб, ўрганилаётган матнлар мазмунининг прагматик узвлари – эмоционалик, баҳолаш, интенсивлик, образлилик ажратилган;

ҳазил, кулги, киноя, истехзо, таъна каби прагматик мақсадга эга нутқий фаолият кўринишларининг ўзбек ва инглиз миллати вакиллари нутқида ифода топишининг турлар бўйича ҳамда композиция жиҳатидан шаклан ўхшаш ва фарқли томонлари асосланган;

латифаларга хос прагматик белгиларнинг чоғиштирилаётган тилларда муайян когнитив механизмлар асосида воқеланиши исботланган ва ушбу қонуниятларнинг фаоллашуви маълум турдаги матнлар яратилишига туртки бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Оғзаки ижод жараёнида яратиладиган латифа матнларининг лингвомаданий мақоми белгиловчи категориал белгиларнинг тадқиқи асосида олинган натижалардан бевосита амалий фаолиятда фойдаланилган. Диссертация натижалари лексикология, стилистика фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш жараёнига ҳамда матн тилшунослиги, когнитив тилшунослик, қиёсий фольклоршунослик соҳаларига оид махсус семинарларни ташкил қилиш амалиётига татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ва методологик жиҳатдан асосланганлиги, таҳлилга тортилган материалнинг ишончли манбалардан олингани, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, чоғиштира таҳлилларда ҳар икки линвомаданият табиатидан келиб чиққанлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти матн тилшунослиги, прагмалингвистика, когнитология, фольклоршунослик йўналишларида ўрганилувчи нутқий тузилмаларга доир илмий-назарий қарашларни янги маълумотлар билан бойитиши, бу йўналишларда бажарилаётган илмий тадқиқот ишлари, хусусан, фольклор матнларининг лисоний-маданий кўрсаткичларини белгилашда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан олий ўқув юртларида матншуносликка доир турли методик тавсияномалар тузиш, махсус луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигида кўринади. Тадқиқот натижалари лингвوماданиятшунослик, мамлакатшунослик ва этнолингвистика каби фанларга оид марузалар учун зарур манба хизматини ўтади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва инглиз тилларидаги халқ латифалари матнларининг лисоний-маданий ҳамда коммуникатив-когнитив хусусиятларининг тадқиқи жараёнида олинган хулосалар асосида:

Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези муаммоси доирасида матн ва унинг кичик жанрга оид тадқиқи бўйича олинган натижалардан Ф-1-06 рақамли «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг 2019 йил 17 январдаги 89-03-278-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари кичик жанр матнларининг лисоний ва экстралингвистик типологияси, хусусан, ўзбек ва бошқа халқлар лингвوماданиятларидаги латифага оид матнлар Шарқу Ғарб адабий анъаналари тарихини асослаш бўйича хулосалар чиқариш имконини берган;

сўз ўйини матннинг маълум қисмлари аҳамиятини кучайтириш, маънодорлигини ошириш, матннинг миллий-маданий кўрсаткичлари ифодавийлик касб этиш учун хизмат қилиши юзасидан олинган хулосалардан «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» мавзусидаги ОТ-Ф8-002 рақамли фундаментал лойиҳада қуйидаги натижаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг 2019 йил 17 январдаги 89-03-278-сон маълумотномаси). Лойиҳада халқ латифалари матнларининг умумлингвистик табиатини ёритиш ва уларнинг миллий-маданий кўрсаткичлари, алоҳида тиллар учун хос бўлган жиҳатларини аниқлаш имконини берган;

латифа жанри комикликни ҳосил қилувчи энг асосий усуллардан бири эканлиги билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали ижодкорлари томонидан тайёрланиб эфирга узатилган «Тилга эътибор» кўрсатуви сценарийсини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 12 февралдаги 02-13-2198-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тафаккури латифа, аския, ҳазил каби оғзаки нутқ ва ёзма матнларда акс этиши билан бир қаторда, комедия, юмор каби жанрларда ҳам ўз ифодасини топган ҳамда кўрсатув мундарижасини бойитган;

инглиз ва ўзбек маданиятларида истеъмолда бўлган латифалар эстетик, лисоний ва психологик хусусиятларга эга бўлишига оид хулосалардан «Шарк мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси» 5.1.17 мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг 2019 йил 17 январдаги 89-03-278-сон маълумотномаси). Натижада, мумтоз сўз санъати ва фольклоридаги латифа намуналари комил инсон концепцияси тарихини асослаш бўйича хулосалар чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та: шу жумладан, 2 та хорижий журналда, 5 ОАК рўйхатидаги илмий журналларида ва қолгани халқаро республика илмий-амалий конференцияларининг тўпламларида чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети усуллари аниқланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Матн ҳодисаси ва унинг кичик жанрга оид тадқиқи**» деб номланган биринчи бобида матн лингвистик тадқиқотларнинг мураккаб объектлардан бири сифатида ўз таркибий элементлари, сатҳи ва кўп поғонали шаклланишга эгаллиги ҳамда матннинг функционал, амалий ва лисоний мажмуавий тасвири ҳамда тавсифи инсон турмуш тарзини, унинг ижтимоий фаолиятини акс эттириши таъкидланади. Матн прагмалингвистика, когнитив тилшунослик, семиотика, психолингвистика, лингвомаданият каби бир қанча соҳалар билан узвий боғлиқликка эга. Хусусан, прагмалингвистикада матннинг муаллиф ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро таъсир доирасини тадқиқ этишга эътибор қаратилган бўлиб, И.Р.Гальперин, Т.А.ван Дейк, Г.В.Колшанский, Л.А.Киселева, Э.С.Лотман, И.П.Сусов, Н.С.Болотнова, З.Я.Тураева, Р.А.Боугранд, М.Халлидей, Ш.Сафаров, М.Ҳакимов, Д.Ашурова ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Матнни коммуникатив ҳодиса сифатида талқин этган тилшунослардан бири Р.А.Боугранд бўлиб, у текстуаллик мезонларига жавоб берадиган когезия (cohesion–боғлиқлик), когерентлик (coherence–мослашганлик, кетма-кетлик), интенционаллик, информативлик, идрок этиш, вазиятга оид ва интертекстуаллик кабиларга бош мезон сифатида қарайди. Унинг назарий

қарашларига кўра келтириб ўтилган кўрсаткичлар мавжуд бўлгандагина тил бирликларининг ўзаро муносабатга киришган кетма-кетлиги матндир.

Матнлар соҳага кўра турли-туманлиги сабаб ва функционал услубдаги фарқларига кўра ҳар хил жанр доирасида таҳлилга тортилади. Матнда боғлиқлик ва умумийлик каби иккита асосий белги мавжуд бўлиб, улар биридан ажралмас ҳамда ўзаро муносабатда амал қилади. Матнга оид тадқиқотларда эпик жанрлар иккига ажратилиб ўрганилади: катта (роман, эпопея) ва кичик (қисқа ҳикоя, латифа, эссе, фельетон) жанрларидаги асарлар.

Кичик жанрга оид матннинг кўпчилиги комик мазмунга эга бўлиб, «улар ҳар хил муболағалар, ёлғон-яшириқлар, хаёлий тўқималар кўринишини олади»⁸. Латифага оид матнларнинг тадқиқи латифаларнинг онтологик моҳиятини ташкил этадиган ўзига хос тил бирликларига асосланади. Латифа, ўз навбатида, эстетик категория сифатида маълум дунёқарашни акс эттирадиган, эмоционал муносабатларни ифодаловчи, инсон характерини кулги ёрдамида ёритадиган, жамият учун салбий саналган ижтимоий ҳодисаларни танқид остига оладиган комик шаклларнинг бир тури ҳисобланади. Латифалардаги кулгили муносабатлар маданият доирасида, кулги объекти билан маълум масофани сақлаган ҳолда, керакли даражада ижобий вазиятни сақлаш орқали амалга оширилади. Мазкур хусусиятлар латифа мазмунининг ўзига хослигини, қўлланиладиган тил бирликларининг лисоний намоишини белгилайди.

Латифа кичик жанр тури сифатида бадий ҳамда адабий жанрлар кесимида юзага келган бўлиб, у кўпроқ оғзаки нутқда амал қилади. Шунинг учун ҳам латифаларнинг ифодаланиши бадий эстетик мулоқот шароитида когнитив, стилистик, семантик қайта шаклланишга учрайди.

Коммуникатив категория мулоқот учун муҳим бўлган қонун-қоидалар, ментал стереотиплар, мулоҳаза юрита олиш системасини ўзида мужассам этади. Баъзи коммуникатив категориялар мулоқот хусусида инсонда умумий тасаввурларни ўйғотса, бошқалари нутқга алоқадор бўлган тушунчаларнинг шаклланиши учун хизмат қилади. Кичик жанрдаги комиклик айнан мазкур мулоқот категориялари тўлиқ амалга оширилгандагина самарали кўчиши мумкин, яъни сўзловчининг мақсадли нутқий ифодаси тингловчи томонидан тўлалигича қабул қилиниши, улар ўртасидаги нутқий муносабат самарали кечишини таъминлайди. Сўзловчининг мақсади тингловчида кулги ўйғотиш бўлиб, у сўзларнинг ўрнини алмаштириш, мулоқот жараёнига мос келадиган ва шунингдек ноодатий лексик бирликлар бўлган эвфимизмлар, архаизмлар, диалектализмлар, неологизмлар, шунингдек, баъзан сўзларнинг тушириб қолдирилиши ёки кўчма маънода қўллаши орқали бунга эришади.

Латифалар комик мазмун яратилишининг усуллари нуқтаи назаридан референциал ва лингвистик турларга ажратилади⁹. Агар қандайдир вазиятнинг бемаънилиги, унинг кенгайиши тасаввуримизга мос келмаслиги акс топса бундай латифа референциал деб аталади. Модомики, латифада у ёки бу лисоний ҳодиса марказда турса бундай латифалар лингвистик ҳисобланади.

⁸ Умаров Э. Эстетика. –Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 131.

⁹ Карасик В.И., Дмитриева О.А. Лингвокультурный типаж: к определению понятия//Аксиологическая лингвистика: лингвокультурные типажы. –Волгоград: Парадигма, 2005. – С.5–25.

Латифанинг ёзма шаклига куйидаги хусусиятлар хос: а) мураккаб грамматик курилмалар йўқлиги; б) сўзлашув лексикаси мавжудлиги; в) матн боғлиқлиги (равонлиги)ни таъминловчи киритма сўзлар мавжудлиги; г) феълларнинг замон ва турга оид шаклларида маъқулларининг танлови; д) латифа якунида эмоционал–психологик жиҳатларнинг кутилмаганда ўзгариши, шундан сўнг латифанинг бошланма қисми мутлоқо бошқача қайта тушунилиши.

Латифалар замон ва жамият билан ҳамнафас яшайди. Жамиятдаги ўзгаришлар янги латифаларни юзага келишига сабаб бўлади. Бундан бир неча йил олдинги латифа ҳозирги кунда кулгили бўлиб туйилмаслиги мумкин, балки уни бугуннинг тингловчиси тушунмаслик эҳтимоли кучлироқдир. Шунинг учун ҳам, латифалар жамият билан бирга нафас олади, жамиятдаги воқеа-ҳодисалар, жараёнларни ўзида акс эттиради.

Куйидаги латифага эътибор қаратамиз:

–*Ҳа, абитуриент укам. Қалай бўлди тест? Интуиция нима дейди?*

–*Интуицияни кўрмадим, лекин милиция роса кўп эди*¹⁰

Келтирилган латифа ўзбек ижтимоий ҳаётидаги ҳодисани ифодалаш замонавий ўқувчига (тингловчи) таниш жараён бўлганлиги сабаб унда кулги ўйғотиши табиий ҳол. Латифадаги сўз ўйини, фонетик мутаносиблик (*интуиция, милиция*) ўзига хос маъно шаклланишини ҳосил қилган.

Диссертациянинг «**Латифаларда сўз ўйини комик самарани яратишнинг лингвокогнитив воситаси сифатида**» деб номланган иккинчи бобида латифаларда сўз ўйинининг лингвокогнитив воситалари таҳлил қилинди. Маълумки, латифанинг асосини сўз ўйини ташкил қилади ва ундан фойдаланиш латифани тушуниш учун зарур ҳисобланади¹¹. Сўз ўйини

воқеликка бошқа нуқтаи назардан қараш, мавжуд шартлилик доирасидан чиқиб, уни янгича англаш имконини берадиган дунёқараш деб изоҳланади, масалан, латифада маълум маданиятда таъқиқ остида бўлган мавзулар (сиёсат, пул, оилавий қадриятлар ва бошқалар) суҳбат мавзуси сифатида кўтарилиши мумкин.

Юмористик дискурс, шубҳасиз, ўйин кўринишига эга, зеро унда ўйинга оид коммуникация¹²нинг куйидаги хусусиятлари намоён бўлади: 1) сўз ўйинига оид мулоқот индивидлар орасидаги ўзаро муносабатнинг эркин ва кўнгилли шаклидир, чунки инсонни кулишга мажбурлаб бўлмайди. Юмористик дискурс субъектларининг ўзлигини ифодалашда уларнинг ижтимоий мақомига эътибор берилмайди, улар орасидаги масофа қисқаради ва расмий дискурслардан мустаҳкам ўрин олган қадриятлар бошқача кўриниш олади; 2) сўз ўйинли мулоқот макон ва замоннинг белгиланган чегараларида юз беради. Комик

¹⁰ Тадқиқотимизда таҳлилга тортилган латифаларнинг асосий қисми Интернет манбалардан (<http://www.correctenglish.ru/humor/jokes/short-anecdotes/3>, <http://www.short-funny.com>, www.native-english.ru/jokes/, <http://www.anekdot54.narod.ru/englishumour.html>, <http://www.engli.org/resources/humour>, Афанди латифалари. WWW.ziyouz.com кутубхонаси, <http://t.me.latifa.uz>, <http://tabassum.uz/latifalar/>, <http://forum.ziyouz.com>, <http://baron.uz/latifalar>, soderzhatelney-aspecty-tekstotipov-anekdot-i-shutka ва бошқа сайтлар) олингани учун уларни ҳар бир ҳолатда эслатиб ўтирмадик. Бошқа манбаларга мурожаат қилинган ҳолатларда уларни алоҳида қайд этамиз.

¹¹ Соколова Н.С. Лингвокогнитивный анализ текстов типа «joke» (на материале англоязычного юмора). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. С.–П., 2008. –С. 12.

¹² Бочкарева Ю.Ю. Юмористический дискурс как сфера игровой коммуникации//Вектор науки ТГУ, № 2, 2013. –С. 249.

жанрга оид асарлар тингловчи – ўқувчини бошқа воқеликка кўчириб ўтказди ва кўпинча ҳақиқатда бўлмаган воқеа-ҳодисаларни тасвирлайди; 3) сўз ўйини мулоқот иштирокчилари томонидан кўнгилли тарзда қабул қилинган қоидалар негизида кечади ҳамда бу юмористик ўйиннинг нождиддийлигини идрок этиш ва қувватлаш имконини беради; 4) сўз ўйини мулоқотга нождиддийлик, юмористик дискурс иштирокчилари томонидан яратилган ўзга воқеликдан завқ олишни бағишлайди; 5) сўз ўйини воситасидаги коммуникатив ҳаракатлар муайян намунага кўра амалга оширилса-да, аммо ўйин жараёни ва натижа вариативликка эга. Ўйиннинг натижасини олдиндан айтиб бўлмайди, унинг қандай бориши ҳеч қачон маълум эмас. Когнитив сатҳда намоён бўладиган юмористик сюжетнинг кутилмаган якуни дискурс муваффақиятининг гаровидир.

Латифаларда лисоний ўйин шаклланишининг асосий механизмлари полисемия, омонимия, паронимия, синонимия, антонимия, сўз ясовчи моделлар ва фразеологик механизмлар ҳисобланади.

Лисоний ўйин усулларидан бири сўзнинг кўп маънолигини ўйнатиш ҳисобланади, яъни бир сўзнинг воқеликдаги ҳар хил предметлар ва ҳодисаларни билдириш учун хизмат қилиш хусусиятидан фойдаланилади. Контекстга боғлиқ ҳолда кўп маъноли сўз ўз семантикасининг турли қирраларини намоёниш этади. Бунда комик эффект сўзнинг ҳар хил маъноларидан фойдаланиш йўли билан яратилади; Масалан:

Бир кун бир ўғри дўкон эшигини арралаётса бир одам «нима қиляпсиз» деб сўради. Ўғри: «кўрмаябсизми, гижжак чалаяпман» деса, ҳалиги одам «овози чиқмаяптику», Ўғри: «Овози эртага чиқади» дермиш.

Бу латифада «овоз» сўзининг вазиятли кўп маънолилиги ўйнатилмоқда – мусиқий асбобдан чиқувчи товуш ҳамда шов-шувли воқеа, бу ҳолда дўкондаги ўғирлик сабабли шовқин кўтарилиши кўзда тутилади.

Инглиз тилидаги куйидаги мисолда грамматик ўйин орқали комиклик юзага келган. Мулоқот жараёнида «I» олмошининг қўлланилиши борасида ўқитувчи ва талаба ўртасидаги нотўғри талқин ўзига хос комикликни тақдим этган:

Teacher: Tell me a sentence that starts with an «I»

Student: I is the...

Teacher: Stop! Never put «is» after an «I». Always put «am» after an «I».

Student: OK. I am the ninth letter of the alphabet.

Антонимия ҳам лисоний ўйин манбаларидан биридир. Биз таҳлил қилган латифаларда антонимия ҳодисаси кўп учрамайди.

Рашикчи хотин эрга деди: – Чиройли қизга кўзингиз тушдимми – бас, дарҳол хотинингиз борлигини унутасиз. – Бекорларни айтибсан, хотин –деди эр – бу ҳолатда хотиним борлиги ёдимга тушади.

The judge said in the defendant: «I thought I told you I never wanted to see you in here, again». «Your Honor» the criminal said «that's what I tried to tell the police, but they wouldn't listen».

Кузатишимизча, омонимия ҳодисаси ўзбек латифаларида синонимия ҳодисасига қараганда кўпроқ учрайди:

География дарсида: – Тешавой, бизга Панама канали ҳақида гапириб берчи. – Устоз, телевизоримиз бундай канални кўрсатмайди–да.

Бу латифада «канал» сўзининг омонимиясини кўриш мумкин – сўз ўйини канал сув ўзани, кема юришга мўлжалланган сув йўли ва телевизион канал маъноларининг концептуаллашувидаги фарққа асосланади.

Кейинги латифада когнитив сценарийнинг асосий бирлиги «ажина» сўзи бўлиб, диалогнинг бир иштирокчиси уни тўғри маънода қўлласа, иккинчиси–метафорик маънода ишлатади:

Болача онасини ёнига югуриб келиб: Ойи, ойи, краватни тагида ажина бор экан. — Ҳа ўғлим, даданг хизмат сафаридан келгунгача ўша ажина бизникида яшаб туради.

Гапдаги маълум бирикмаларни нотўғри жойлаштириш, нотўғри урғу бериш орқали тушунмовчилик келиб чиқиши мумкин. Мазкур тушунмовчилик, ўз навбатида тасодифий ҳазил, юмор ёки латифани ҳосил қилиш механизмларини ҳаракатга келтиради. Масалан:

«For sale: Mixing bowl set designed to please a cook with round bottom for efficient beating».

«Our son was involved in a terrible road accident»

«Yes, the roads are terrible round here»(Hale and Pace).

Бу каби латифалардаги ноаниқликларни англаш учун гапнинг тузилиши, тил бирликларининг гапдаги вазифаларини аниқ белгилаш талаб этилади. Масалан:

We don't serve coloured people!

That's fine by me. I just want some roast chicken.

Келтирилган латифанинг биринчи гапдаги *coloured people* воситали тўлдирувчи сифатида тушунилмоқда. Кейинги гапда эса *some roast chicken* воситасиз тўлдирувчи сифатида тушунилиши суҳбатдошлар ўртасидаги мантиксиз суҳбат латифанинг шаклланиши учун хизмат қилган.

Навбатдаги инглиз латифасида синтактик омонимия ёрдамида эришилган орзунинг пучга чиқиши когнитив эффект вазияти яратилади отанинг қизи ёмон шифокор бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикри пресуппозитив тушунилади:

Young lady to father: «Daddy, –when I grow up shall I become heart–doctor or a tooth–doctor?» «Dentist». «Why father?» «We have only one heart but 32 teeth!».

Лисоний ўйиннинг бошқа бир синтактик усули инверсия ёки гапдаги сўз таркибининг ўзгариши бўлиб, бу ҳам комик эффект яратади:

Илгари ўрта ҳоллар футбол ўйнар, бойлар томоша қиларди. Эндиликда бойлар ўйнаб, ўрта ҳоллар томоша қилмоқда!

Маълумки, морфема энг кичик маъновий бирлик ҳисобланади ва кўпгина сўзлар фақатгина бир морфемадан ташкил топган бўлиб, бўлақларга бўлинмайди. Бошқа сўзлар мураккаброқ, улар морфемик бирликларининг маълум миқдоридан таркиб топади. Морфемалар воситасида маъно ҳосил қилиш усулидан икки маънолилиқни кўрсатадиган ҳазилларда фойдаланилади¹³. Мисол учун, инглиз тилидаги *–let* суффикси кичрайтирувчи бирлик ҳисобланади. Масалан *toilet* сўзи инглизча *toy* – «ўйинчоқ»дан эмас,

¹³ Ross A. The Language of Humour. –New York: Routledge, 1998. – P. 114.

балки *toile* – «ёнмоқ, ёзмоқ» сўздан (французча *toilette*) келиб чиққан. Қуйидаги латифа мазмуни мураккаб сўз таркибидаги морфемалар маъносининг эҳтимолий чалкаштирилиши ёки нотўғри сўз ясалишига қурилган:

What's a baby pig called? A piglet. So what's a baby toy called? A toilet.

Навбатдаги латифадаги комик эффект асосини бир негизли сўзларни хато танлаш орқали нотўғри сўз ясашдек юқорида эслатилган ходиса ташкил этади:

English professor: What is the difference between an active verb and a passive verb? Student: An active verb shows action and a passive verb shows passion.

Лексик – семантик ва структур таҳлил кўрсатдики, ушбу латифада аналогия (муқобиллик) услубидан фойдаланилган. Мазкур латифа персонажи бўлган талаба бир негизли сўзлардан фойдаланиб, муқобил тарзда қурилма яратади: Pass+ive = passive, pass+ion=passion

Лисоний ўйиннинг энг ёрқин, яққол намоён бўладиган жиҳатларидан бири фонетик сатҳдир. Ҳар бир лисоний жамоа амалиётида баҳоловчи комик аҳамият касб этган фонетик номеъёрийлик(ғайриодатийлик)лар мажмуаси шаклланган. Инсонлар нутқий фаолиятида димоғда гапириш, дудукланиш, «кавказча, яхудийча» ва шу каби акцентлар, фонетик ўзига хосликларнинг стереотипли мажмуалари мавжуд. Ўзбек ва инглиз латифалари матнларининг таҳлиliga таяниб, айтиш мумкинки, комик вазият фонетик механизмларидан фойдаланиш ҳисобига яратиладиган кўплаб латифалар мавжуд экан. Бироқ, ушбу усул инглиз лингвомаданиятида нисбатан кўпроқ фаол эканлиги кузатилади.

Ўзбекча латифалардаги фонетик сатҳдаги лисоний ўйин кўп ҳолларда чет тили, хусусан, инглиз тилидан кириб келган сўзлар қўлланишида юз беради ва бунда сўзловчи уларнинг тўғри талаффуз қилишни билмагани сабабли мутлоқо бошқа маънодаги талаффузга йўл қўяди. Натижада айтилаётган сўз ўзбекча сўзга айланиб қолиши мумкин. Масалан:

Маҳаллада гузарда ўтирсак, бир оинамиз роса телефонини мақтади, ичларида гаройиб нарсалар жуда кўп экан, шуни: Оина, менга блутуз қивор десам, у менга қараб «Шароитинг борми» деса, мен 3–4 сўм пул берсам, у бўлса менга қараб «шароит» деган программа деяпман деса бўладими, нима бало, янги программа чиқибдими, десам, «share it» экан, озгина унлиларни келиштирса, ўзбекча номи чиқаркан, «шароит», қойил...

Ижтимоий вазиятга тааллуқли латифаларда маълум сўз ёки бирикманинг нотўғри талқин этилиши, сўз ёки бирикманинг полисемантик хусусиятларини кенгроқ очиб бериш баробарида кулги эффектини келтириб чиқаради. Масалан:

The real estate agent says, «I have a good, cheap apartment for you».

The man replies, «By the week or by the month?»

The agent answers, «By the garbage dump».

Берилган латифада инглиз тилидаги *by* предлогининг полисемантик қўлланилиши суҳбатдошларнинг бир-бирини нотўғри тушунишига олиб келган ва ушбу ҳолат кулги эффектини келтириб чиқармоқда.

Ўзбек ва инглиз латифаларидаги парадоксиал хусусиятли стилистик воситалар, жумладан, оксюмороннинг ишлатилиши юморга хос вазиятни ифодалаб келади. Латифанинг якуний қисмидаги маъно кўчиши семантик майдон доирасида содир этилади ва кулгили ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Диссертациянинг «**Латифа матнларининг лингвистик ва миллий-маданий хусусиятлари типологияси**» деб номланган учинчи бобида ўзбек ва инглиз лингвомаданиятларида кичик жанр намунаси – латифага оид матнларнинг таснифий кўрсаткичлари ва шунингдек, уларнинг этномаданий стереотиплари, ижтимоий-маданий белги-хусусиятлари ўрганилди.

Маданиятлараро мулоқот нуқтаи назаридан комиклик тадқиқоти миллий ўзига хосликка асосланади, яъни чет тилини мукаммал билган тақдирда ҳам ўзга маданият юмори хамма вақт ҳам қабул қилиб бўлмайди, чунки у миллий менталитет билан чамбарчас боғлиқ: юморни ўрганиш миллий маданиятни, ўзи ва ўзгалар образини талқин қилишдаги фарқларни тушунишга ёрдам беради. Ҳар хил маданиятларни қиёслашда биринчи ўринга этнографик ва этнопсихологик элементлар чиқиб, уларга миллий ғурур, ўз-ўзини англаш, миллий характер қирраларини киритиш мумкин. Бу элементлар миллий юморда яққол намоён бўлади, яъни маълум халқ юморининг ўзига хослиги комикликнинг универсаллиги, унинг идроки ва шаклланиши механизмларидан қатъий назар, ўзи яраладиган лисоний маданият хусусиятларига боғлиқдир.

Халқлар ва маданиятлар ҳақидаги стереотипли тасаввурлар ўзга маданият билан тўқнашувга тайёрлайди. «Стереотиплар кишига дунё туғрисидаги яхлит тасаввурни ҳосил қилишга, ўзининг тор ижтимоий, географик ва сиёсий олами чегараларидан чиқишига ёрдам беради¹⁴». Этник стереотиплар ижтимоий ҳодиса ёки объектнинг, одатда, эмоционал бўёқдор ва турғун кўринишдаги тизимли меъёрий образи ҳисобланади. Лингвомаданий муҳитнинг миллий-маданий ўзига хослиги, аввало, оламни субъектив тасаввур қилиш ҳамда ушбу лингвомаданият вакиллари томонидан «ўз-ўзига» муносабатлар тамойили орқали воқеликни алоҳида бир идрок этишни акс эттирувчи миллий стереотипларга асосланадиган латифаларда намоён бўлади. Этник стереотиплар турли маданиятлар ва халқлар вакиллариининг дунёни идрок этиши натижаси бўлиб, олам ҳақидаги руҳий билимлар тизимининг бир қисмини ташкил этади.

Аксар ҳолларда этнонимли латифаларда очкўзлик, гўллик ҳамда мазкур лингвомаданият учун барча нотипик қирралар кулги остига олинади.

Лофчилар суҳбатидан:

– *Дўстим, Қора денгиз ҳақида эшитганмисан? — Ҳа — Ўшани мен қорага бўяб чиққанман! – Сен Тинч океани ҳақида эшитганмисан? – Ҳа! Ўшани мен тинчантирганман.*

Афанди ҳақидаги латифаларни шартли тарзда икки турга ажратса бўлади:

1) ижтимоий – маиший латифа – бунда бош персонаж ўз оиласи, дўстлари, қўшнилари, маҳалласи ва оддий халқ вакиллари орасида келади. Бу каби латифаларда одамлардаги гўллик, овсарлик, дангасалик, айёрлик, зикналик сингари иллатлар масхара қилинади.

«Бир куни кечаси Афандининг кулозига кўчадан завго эшитилди. У хотинини уйғотиб: «Тур, хотин, чироқни ёқ. Кўчада нима завго бўлаётганини билиб келай» деди ва елкасига чопонини ташлаб, кўчага чиқди. Кўчага чиққан ҳамон, ўғри келиб унинг елкасидаги чопонини олиб қочди. Афанди уйига қайтиб кирди.

¹⁴ Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. -М., Слово, 2000. – С. 204.

–*Нима гавго экан – деб сўради хотин*

–*Ҳамма гавго менинг чопоним устида экан – деди Афанди — Чопонни олишиди–ю, гавго босилди».*

